



ПАРЛАМЕНТДА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: МАБЛАҒ ҚАЕРДАН КЕЛАДИ, ҚАЕРГА КЕТАДИ?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси анча узоқ давом этди. Куннинг биринчи ярмида Давлат бюджети ижроси ва яна бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама марказидан ўрин олди. Жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, инсон қадр, ҳуқуқи ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган бир нечта қонун лойиҳалари эса куннинг иккинчи ярмида депутатлар томонидан қизғин кўриб чиқилди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири давлатчилик тизимидаги маълум бир соҳани тартибга солиб туради.

ХАЛҚ ПУЛИНИНГ ТАҚДИРИ

Мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва давлат тизимининг барқарор ишлаши учун, аввало, молиявий асос керак. Бу асос Давлат бюджети ҳисобланади. Бюджет бу рақамлар мажмуаси эмас, балки у ҳар бир фуқаронинг манфаатига дахлдор, жамиятнинг ҳар бир қатламига бевосита таъсир кўрсатадиган стратегик ҳужжатдир. Бу мактаблар, боғчалар, поликлиникалар, йўллар, ижтимоий хизматлар, маҳаллалардаги муаммоларнинг

ечимидир. Шунинг учун ҳар бир ажратилаётган маблағ ортида инсон ҳаёти, фарзандларимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи туради. Аммо оддий фуқаролар бу ҳужжатнинг моҳиятидан кўпинча беҳабар. Очиқ ва шаффоф давлат бўлишини истасак, бюджетни тушуниш ва ундаги рақамлар ортида қандай эҳтиёжлар ётганини, ижроси қандай кетаётганини англашимиз зарур. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш билан бошланди. Ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазiri Жамшид Қўчқоров тақдим этди. Иқтисодиёт ва молия вазирининг таъкидлашича, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгарувчанлик ва юқори ноаниқлик шароитида, ҳудудларда аҳоли бандлиги ва тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича чоралар ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,2 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб

чиқариш 6,6 фоиз, бозор хизматлари 13,3 фоиз, қурилиш ишлари 10,7 фоиз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 4 фоизга ошган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 273,4 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 фоизга юқорилагани мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари давом этаётганини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг реал даромадлари 9,5 фоизга ошиб, турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 103,4 фоизга бажарилгани ҳамда харажатлар бўйича режа кўрсаткичлари 96,8 фоизни ташкил қилгани бюджет барқарорлиги таъминланлигидан далолат бермоқда. Йиғилишда қайд этилганидек, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари 144,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 19,2 фоизга ошган ва деярли барча солиқ турлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилган.

► (Давоми 2-бетда)

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

ХАЛҚ ВА ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ЯНГИЧА МУЛОҚОТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида эътироф этилиб, Конституцияда қатъий муҳрланди. Табиийки, амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси ушбу мезонга йўналтирилмоқда. Халқ манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда қорарлар қабул қилиниб, тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси бўлиб, ушбу амалиёт 2021 йилда тажриба тариқасида ўтказилди. У асосида бюджет маблағларини тақсимлашда адолатли механизм шакллантирилиб, ҳудудлар бирдек бундан баҳраманд бўлмоқда. Муҳими, ушбу амалиёт учун ажратилаётган маблағ ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Асосийси, ҳамюртларимиз ўз ҳудудлари ҳаётига дахлдор лойиҳанинг ғолиб бўлиши учун фаол иштирок этмоқда. Соғлом рақобат муҳити шаклланди. Маҳаллаларнинг

ҳамжиҳатлиги ортгани, ҳамма қўлидан келганича овоз тўплаш учун ҳисса қўишига интилгани — мана шу демократиянинг чинакам ифодасидир. Халқ ўзи яшаб турган ҳудуднинг ривожланишига бефарқ эмас ва мақсадга эришиш йўлида бир мушт бўлишнинг уйдасидан чиқмоқда. Айтиш керакки, бу жараён дахлдорлиқни, ислохотларда нафақат иштирокчи, балки ташаббускорлиқни оширмоқда. Яқинда тизимда яна бир ўзгаришга қадам ташланди. Гап шундаки, давлат раҳбарининг 29 август куни “Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат Қонунчилик палатаси депутатларининг сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини кучайтириш, шунингдек, ҳудудларда ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида

ташаббусли бюджет механизмларини ривожлантиришга қаратилган. Ҳужжатнинг йўналишларига тўхталадиган бўлсак, Давлат бюджетидан мазкур лойиҳа учун йўналтирилаётган маблағлар янада халққа яқинлашини кўриш мумкин. Яъни, депутатларнинг ижтимоий масалалардаги ролини ошириш мақсадида ҳужжатда бир қатор асосий вазифалар белгиланди. Шунингдек, Қонунчилик палатасида ташаббусли бюджет жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш билан боғлиқ тартиб-қоидалар ҳам инобатга олинган. Бунинг учун қуйи палата вакилларида иборат парламент комиссияси ташкил этилиши назарда тутилган. Халқ вакиллари ваколатларини оширишга қаратилган муҳим жиҳатларидан бири эса “Очиқ бюджет” порталида депутатлар ташаббуси билан илгари сурилган алоҳида лойиҳа тоифаси жорий этилади. Ушбу тоифадаги лойиҳаларга ҳам ташаббусли бюджетнинг умумий лойиҳаларига қўйилган мезонлар татбиқ этилади.

► (Давоми 4-бетда)

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ: УЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАС!

6



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭРТА ТУРМУШНИНГ “МУШТИ”

7



ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ТРИХОЗАНТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ ВА БОҚИЙ УМР ТИМСОЛИ



8

ПАРЛАМЕНТДА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: МАБЛАҒ ҚАЕРДАН КЕЛАДИ, ҚАЕРГА КЕТАДИ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат бюджетининг харажатлари эса ҳисобот даврида 173,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 16,0 фоизга ўсган. Бунда ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда фуқаролар учун муносиб шароитлар яратиш давлат молиявий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида сақланиб қолинаётгани депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Бунини соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий харажатлар учун Давлат бюджетидан 86,2 трлн. сўм ёки 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 12,1 трлн. сўмга кўп маблағ йўналтирилган. Бу эса жами харажатларнинг 49,8 фоизини ташкил этади.

Муҳокамаларда депутатлар томонидан «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида «оғир» тоифага киритилган 205 та маҳаллада умумий қиймати 326 млрд. сўмлик 247 та лойиҳа ғолиб бўлганлиги натижасида, 114 та ички йўللارни таъмирлаш, 73 та мактаб ҳамда 24 та тиббиёт ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш каби лойиҳаларга маблағлар йўналтирилганлиги ижобий баҳоланди.

Депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигига танқидий баҳо берган ҳолда ўз муносабатларини билдирди.

Мажлисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида кун тартибидagi масала юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияларининг муносабатлари тингланди.

Ялпи мажлисида ЎзХДП фракцияси муносабатини фракция раҳбари Улуғбек Иноятлов ўқиб эшиттирди:

– Аввало таъкидлаш керакки, жаҳон иқтисодиётида мураккаб вазият давом этаётган бир пайтда эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда махсус дастурлар орқали камбағалликни қисқартириш учун изчил чоралар қўрилмоқда.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун 173,3 трлн. сўм ёки умумий харажатларнинг 50 фоизи сарфлангани ҳаёт сифатини ошириш ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Билимли, ижтимоий фаол авлодни тарбиялашга бюджет харажатларининг 24 фоизи ёки 42,5 трлн. сўм сарфланган. Мактаблар сони 10,471 тага, ўқувчилар сони 6,5 млн. нафарга етган. Ёшларнинг олий таълим билан қамрови 1,5 млн.дан ортган.

Мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини оширишга жами 19,5 трлн. сўм маблағ сарфланиши эҳтиёжманд беморларга зарур ёрдамларни кўрсатишга хизмат қилмоқда.

Ноғиронлиги бўлган инсонлар, кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 5 трлнга яқин маблағ йўналтирилганини алоҳида эътироф этамиз.

Фракциямиз аъзолари Давлат бюджети ижроси бўйича айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганини таъкидлашди. Ҳисоботда келтирилган факт ва рақамлар кеча фракциямиз мажлисида атрофлича танқидий таҳлил қилинди. Шуларга асосан қуйидаги йўналишларга жиддий эътибор қаратишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, иқтисодий-ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш учун Ҳукумат томонидан муҳим маблағлар ажратилмоқда, лекин айрим вазирлик ва ташкилотларнинг масъулиятсизлиги оқибатида бу маблағлар ўз вақтида ишлатилмай қолмоқда.

Бу борада Ҳукумат қатъий ва очик чоралар кўрадиган вақт келди. Ижтимоий аҳамияти юқори бўлган, фуқароларнинг қайфияти, соғлиги, ҳатто ҳаётига доир лойиҳалар вақтида амалга ошмай қолаётгани учун асосий масъулиятни Ҳукумат ўз зиммасига олишини ҳаёт тақозо этмоқда.

Иккинчидан, янги иш ўринларининг очилиши, норасмий секторда даромадлар



легаллаштирилиши барқарор даромад манбаларининг яратилишида принципиал аҳамият касб этмоқда.

Бу борада солиқ идоралари ва меҳнат ташкилотлари солиқ тўловчилар ҳамда иш билан банд бўлган фуқаролар ҳақида реал рақамларни ўзаро мувофиқ ҳолда белгилаб олиши зарур.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Халқ демократик партияси фракцияси 2025 йил биринчи ярим йиллик ижроси якунлари бўйича Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлайди.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг, депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилишди.

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ- ТАОМИЛЛАРДАГИ ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Ялпи мажлисида, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама марказидан ўрин олди. Уларнинг амалдаги қонунчиликка мослиги ҳамда фуқаролар манфаатларига қандай таъсир қилиши юзасидан кенг фикр алмашилди.

Депутатлар “Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Ушбу лойиҳа фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишда аниқ тартиб-таомилларни белгилаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари ходимларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилишни назарда тутди.

Лойиҳада маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ва шаффоф механизми яратилишига оид нормалар акс этиб, бу жараёнларда коррупциявий ҳолатлар юзга келишининг олдини олишга қаратилган қоидалар киритилмоқда.

■ МАЖЛИСИДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ЭКСПЕРТЛАР, ҲУҚУҚШУНОСЛАР ИШТИРОКИДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНГани, СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ, ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, УНГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГани ҚАЙД ЭТИЛДИ.

Мазкур ўзгартиришлар ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар, ҳар хил ёндашувларнинг олдини олиш, қонун нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида киритилиб, лойиҳа матни тақомилига етказилгани таъкидланди.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳаси депутатлар фикр-мулоҳазалари ва таклифлари асосида маромига етказилгани, унда назарда тутилаётган нормалар фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЭСКИРГАН УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ЯНГИЛАШГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Мажлисида “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан шаҳарсозлик реновацияси асослари ва мақсадлари, мажбурий шартлари, асосий принциплари, реновация босқичлари, бу борада лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби, соҳада давлат бошқаруви асослари белгиланмоқда.

Шаҳарсозлик реновацияси лойиҳасини бошлаш учун барча ҳуқуқ эгалари билан нотариал тартибда келишув битими имзоланиши назарда тутилган. Яъни, ҳеч ким реновацияда иштирок этишга мажбурланмаслиги ҳамда реновация ихтиёрийлик принципи асосланиши мустақамланяпти.

Лойиҳада хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, давлат хусусий мулкнинг сақланишини таъминлаш учун барча зарур шароитларни яратиши, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини бузишига йўл қўйилмаслиги қатъий кафолатланмоқда. Шаҳарсозлик реновациясини амалга оширишда эса ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, шаҳарсозлик реновацияси доирасида ҳуқуқ эгасининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда хусусий мулк ҳуқуқини ҳамда ер эгасининг ерга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш борасида юзга келадиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар ҳуқуқ эгасининг фойдасига талқин этилмоқда.

Бундан ташқари, реновация лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига киритиш билан бир вақтда “Шаҳарсозлик реновацияси” электрон платформаси, ОАВ, расмий веб-сайтлар ва жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши шартлиги белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисида лойиҳада назарда тутилаётган нормалар ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини янги, хавфсиз, замонавий, энергосамарадор, хонадонлар билан таъминлаш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани яратиш, ҳудуднинг архитектура қиёфаси замонавийлашуви ва инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ҲОКИМЛИКЛАРНИНГ 61 ТА ВАКОЛАТЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Мажлисида, шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилмоқда. Лойиҳа билан маҳаллий Кенгашларга ҳокимликларнинг 61 та ваколатлари ўтказилмоқда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига қабул қилинган қонун ҳужжатлари, дастурлар ижросини таъминлаш, ижро билан боғлиқ бошқа вазифа ва функцияларни ўтказиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилгани сабабли амалдаги 9 та кодекс ва 69 та қонун қайта кўриб чиқилмоқда. Уларда назарда тутилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва функциялари “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қайта тақсимланяпти.

Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш жараёнида депутатлар томонидан айрим нормаларни тақомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар берилган эди. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида масъул қўмитада барча таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг асосли деб топилгани ҳужжат матнида акс эттирилди.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид долзарб масалалар бўйича ваколатлари янада кенгайишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ва учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Куннинг иккинчи яримида депутатлар томонидан суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Шунингдек, давлат органлари, вазирлик ва идораларнинг номлари ҳамда ҳуқуқий атамалар амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилмоқда. Юридик-техника қоидаларидан келиб чиқиб, нормаларни аниқлаштириш ва улар ўртасидаги уйғунлиқни таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартишлар киритилган.

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтиришга қаратилган. Лойиҳа билан II гуруҳ ноғиронлиги бўлган ва уларга ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахсга ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ноғиронларига тенглаштирилган шахсларга шахар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Бу орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиб, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами янада кенгайтирилган.

Шунингдек, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари автомобиль транспортда йўловчи ва юк ташиш фаолияти билан шугулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик фаолиятига аралашishi ҳамда ушбу ташкилотларнинг ишлаётган ходимларини бошқа ишларга жалб этиши фақат табиий ва техноген хусусиятга эга favқулодда вазиятлар юзга келганда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Лойиҳани янада тақомиллаштириш бўйича қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама этилди ва қўллаб-қувватланди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

РАҚАМЛАР ГАПИРМАЙДИ, САЙЛОВЧИЛАР ГАПИРАДИ



Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия Марказий Кенгаши вакиллари аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларга самарали ечимлар таклиф этиш мақсадида Навоий вилоятида ўрганишлар олиб борди. Фаолларимизнинг айтишига қараганда, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашуларда ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар яққол кўзга

ташланмоқда, сайловчиларнинг кўнглидаги гаплари, орзу-мақсадлари ўзларидан эшитилмоқда.

Шуниси ҳам борки, яхши ниятлар, эзгу мақсадлар билан халқ орасига кириш, энг узоқ ва чекка туманларга, ҳатто маҳаллий раҳбарларнинг қадами етмаган жойларга бориб, етим-есир, бева-бечоранинг бошини силашда ҳам ҳикмат бор.

Хонадонларга кириб, қорайган, қаварган, чиниққан кўллارни тутиш, кекса отахон-у онахонлар билан бир пиёла чой устида суҳбат қуриш, ийманган ва самимий нигоҳлардаги маънони илғашда гап кўп аслида. Чунки бугунги шиддаткор ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар моҳиятини яхшироқ тушуниш, иштирокчи бўлиш учун, аввало, оилалардаги

муҳитни, кайфиятни яқиндан билиш етарли бўлади.

Ишчи гуруҳи таркибида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини ўрганган, муаммоларни ўз кўзи билан кўрган партиямиз фаоллари назорат-таҳлил натижалари, хулосалари ҳақида бизга қуйидагиларни гапириб берди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

- Депутатлар, партия фаолларининг ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни жойига чиқиб, бевосита ўрганиши бу, аввало, демократик тамойилларга мос, бугунги ислохотлар талабидир. Бу ислохотлар самарасини таъминлайди, ҳудудлар тараққиётига ҳисса қўшади. Чунки чекка ҳудудларда, баъзан кўз илғамеган, эътибор марказидан биров четда қолган муаммолар халқ билан мулоқот ўрнатиш, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш орқали юзасига қалқиб чиқади.



Мулоқотлар давомида партиямиз ишчи гуруҳлари ислохотлар ҳақида жамоатчиликнинг нуқтаи назарини ҳам мунтазам ўрганиб боради, одамларимизнинг истак ва эҳтиёжлари тизимли ҳамда реал таҳлил асосида кўриб чиқилади. Жўяли хулосаларга келиш, ўткир таклифлар тайёрлашда бу муҳим, албатта. Чунки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда, парламент минбарида позициямиз, электоратимиз манфаати қатъий ҳимоя қилиниши, овозимиз акс-садо бериши учун бу сув ва ҳаводек зарур.

Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳи аъзолари Навоий вилоятининг 11 та тумани ва 60 га яқин ижтимоий соҳа ташкилотларида назорат-таҳлил ишларини олиб боришди. Таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя тизими, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, коммунал, уй-жой, пенсия таъминотида амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партияларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари билан ҳам мулоқот қилинди. Жамиятда маҳаллий Кенгашлар ва партия ролини янада кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича фикрлар олинди.

Ўрганишларда партиянинг сиёсий мафкураси ҳамда электорат манфаатидан келиб чиқиб, туман, шаҳар ва маҳаллагача тушилган ҳолда ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Назорат-таҳлил давомида маълум бўлдики, вилоятда бугун 1 099 240 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан пенсионерлар сони 138 296 нафар. Улардан 104 234 нафари ёшга доир пенсионерлар, 25 436 нафари ногиронлик нафақаси ҳамда 6 662 нафари боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиб келмоқда. Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оилалар сони 12 762 та, улардан етим болалар сони 131 нафарни ташкил этади.

Аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар давомида, айниқса, пенсия тайинлаш борасидаги ўзгариш ва янгилыклар хусусида савол-жавоблар жуда кўп бўлди.

Шу ўринда айтиш керакки, вилоятда муҳтож оилалар ва эҳтиёжманд инсонлар билан манзилли ишлашни кучайтириш керак.

Пенсионерларни сихатгоҳларга юборишда квота сони чекланганлиги сабабли республикада марказлашган тизим орқали амалга оширилмоқда. Бу эса нафақадаги фуқаролар узоқ навбат кутишига, соғломлаштириш хизматларини ўз вақтида ололмаслигига олиб келмоқда.

Сихатгоҳларга квота сонини кўпайтириш ва маҳаллий ҳудудларда нафақадаги фуқароларни соғломлаштириш масканларини ташкил этишга эҳтиёж бор.

Яна бир масала. Амалдаги тартибга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан ногиронлик аравачалари тақдим этилади. Бироқ, ушбу аравачалар кўп ҳолларда стандарт ўлчамда бўлиб, ногирон фуқароларнинг индивидуал жисмоний ҳолати — гавда тузилиши, бўй, вазни ва шахсий эҳтиёжларига тўлиқ мос келмайди. Бу ҳаракатланиш эркинлигининг чекланиши, кундалик фаолиятда қийинчиликлар, ноқулайлик, ортопедик муаммоларни юзага келтирмоқда.

Шунинг учун ногиронлик аравачаларини индивидуал эҳтиёжлар асосида тоифалаштирган ҳолда ишлаб чиқишни йўлга қўйиш керак, деган таклифлар билдирилди.

Биламизки, муҳтож шахсларни мураккаб ортопедик пойабзал билан таъминлагандан сўнг фойдаланиш муддати бир йил этиб белгиланган. Аҳолидан шу масалада муҳим таклифлар тушди. Унга кўра, эҳтиёжманд инсонларни бундай мураккаб ортопедик пойабзал билан таъминлашда мавсумни ҳисобга олган ҳолда 2 йилда бир марта бир вақтнинг ўзида 2 та (қишки ҳамда ёзги) восита билан таъминлаш керак.

Назорат-таҳлил давомида ҳар бир масалага чуқур кириб боришга ҳаракат қилдик. Соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик, аҳолининг эътирозларини, муурожаатларини ўргандик. Таклифларини эшитдик.

Албатта, ҳар бир таклиф фракциямизда кўриб чиқилади, асосли таклифлардан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланилади.

Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Ислохотлар тўлқинига мос равишда ҳудудларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Яхши ўзгаришлар, янгилыклар жуда кўп. Аммо бунга маҳлиё бўлиб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Ҳаётнинг талаби ўз устимизда ишлаш, муаммоли ҳолатларни ҳал этишдан, ишимизни янги даражага кўтаришдан иборат. Қачонки, ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзара, асл ҳолат ўрганилиб, муаммо юзага чиқсагина, мутасадди ташкилотларнинг масъулияти, ҳисобдорлиги ҳам ошади.

Ишчи гуруҳ вакиллари Кармана туманида бўлиб, туман камбағилликни қисқартириш ва бандлик бўлими, мактабгача таълим ташкилотлари, Зарафшон оилавий шифокорлик пунктларидаги мавжуд ҳолат билан танишишди.

Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, бирор масалага ечим топиш учун бир марта сўров юбориш ёки йиғилишда муҳокама қилишнинг ўзи етарли бўлмайди. Чунки айрим масалаларни ҳал қилишга вақт ва маблағ керак. Баъзи масуулларни уйғотишга эса қонуний ва қатъий талаб зарур.

Ўрганишлар давомида бир қатор муаммолар аниқланди. Масалан, поликлиникаларда доя штати қисқартирилиб, ўрнига гинеколог штати жорий қилиниши белгиланган. Лекин амалда иккаласи ҳам йўқ.

Шунингдек, давлат мактабгача таълим ташкилотларининг кўпида

болалар ва ходимларни келди-кетди қилиш учун электрон тизим йўлга қўйилмаган. Борларига ҳам битта планшет берилган, у билан 200 га яқин болалар ва ходимларни тизимга киритиш узоқ вақт талаб қилади.

Албатта, иш бор жойда, ҳаракат бор жойда муаммо ҳам, камчилик ҳам бўлади. Эндиги масала аниқланган муаммоларга ечим топиш. Масъуларимиз ҳам шунга бел боғлаган.

Сир эмас, ўтган давр мобайнида ногиронлиги бўлган инсонларни бошқа фуқаролар билан тенг равишда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш имкониятини берувчи қўшимча шарт-шароитлар яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик янада такомиллаштирилди. Хусусан,

ногиронлиги бўлган шахслар билан яқиндан ишлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, маданий ва спорт тадбирларида иштирок этишлари учун шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқдир.

Аммо шунга қарамай, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида эътибор марказидан четда қолаётган бир қатор муаммолар борлигидан кўз юмолмаймиз.

Масалан, вилоят инфратузилмаси ногиронлиги бўлган шахслар учун тўлиқ мослаштирилмаган. Ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш вақтида барча объектларда кўзи ожизлар учун тактил йўлаклар йўқлиги маълум бўлди. Кўпгина объектларнинг кириш қисмида тўсиқлар мавжуд ёки эшиклар тор ва тор пандуслар ногиронлар аравачасидан фойдаланадиган одамларнинг бино ичига киришига имкон бермайди.

Ногиронлиги бўлган болалар учун 4-синфгача бўлган инклюзив таълим дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Аммо улар битирувчи синфларга етганида қўшимча касб-ҳунар ўрганиш ва касбий тайёргарлик дастурлари мавжуд эмас. Бу эса ногирон болаларнинг келажақда мустақил ҳаётга мослашиши ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишида қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Ҳакимбек РАҲМАТОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши шўъба мудири:

- Аҳолини қийнаётган муаммолар халқнинг ичига чуқур кириб борилгандагина яққол кўринади. Ўрганишлар, учрашувлар давомида 70 га яқин камчиликлар аниқланди. Аҳолидан 80 га яқин таклифлар олинди.

Масалан, Нурота тумани Амир Темур маҳалласидаги аҳоли билан учрашувда муҳим бир масала кўтарилди. Унга кўра, тумандаги аҳолининг кўп қисми кундалик истеъмол учун ҳам, томорқа ерни сугориш учун ҳам сувни артезиан насос орқали олишади.

Аммо электр энергиясининг ижтимоий меъёри 200 кВт/соатни ташкил қилади. Сув истеъмоли учун насос ишлатилгани сабабли электр энергиясига қўйилган лимит ой охирига етмасдан тугаб қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб, аҳолидан электр энергиясига қўйилган лимитни ҳудудлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда қайта белгилаш ёки қуёш панеллари ўрнатиш учун самарали имтиёз бериш таклифи берилди. Биз бу таклифларни умумлаштириб, парламентдаги фракциямизга тақдим этамиз, албатта.

Чунки жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш, уларга ҳолис ва ҳаққоний баҳо бериш билан бирга камчиликларни бартараф этиш ҳам асосий вазифамиздир.



Бахтиёр ТАШЕВ, ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати:

- Халқ ва давлат бир мақсад йўлида бирлашса, жуда катта қудратга эга бўлади. Ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро ишончни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳам мунтазам равишда мулоқот керак. Чунки қуруқ рақамлар билан фақат ўзимизнигина алдашимиз мумкин. Бир, икки муурожаат билан муаммолар ҳақида хулоса ҳам қилиб бўлмайди. Бунинг учун одамлар билан яқиндан туриб суҳбатлашиш, муаммоларни уларнинг ўзидан эшитиш керак.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз фаоллари ва депутатлар билан муаммоларни жойида ўргандик, эҳтиёжлар ҳақида одамларнинг ўзидан эшитдик. Шунинг учун ҳам таклифлар аниқ асосга эга.

Вилоятда республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар бор.

Масалан, яйлов ерларини ижарага олган фуқароларнинг расмий бандлиги белгиланмаган. Туман ўрмон хўжаликларига қарашли ерларда деҳқончилик билан шуғулланувчи ижарачилар

норасмий фаолият олиб бормоқда. Яйлов ерларини

деҳқон хўжаликлари сифатида расмийлаштириш ва электрон танлов орқали фуқароларга бериш керак, деб ўйлаймиз.

Яна бир масала. Чет давлатларга даволанишга бораётган фуқаролар ўша давлатдаги хусусий клиникаларга йўналтирилмоқда. Натижада фуқаролар моддий қийинчиликларга дуч келишяпти. Чет элга даволаниш мақсадида борувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим, назаримизда.

Партия ташкилотлари, депутатларнинг масъулияти, сайловчилар олдида бурчи катта. Юқорида бу ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдик. Улар ҳудудлардаги аҳолини ўйлантираётган масалаларни яхши билиши, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар, мутасаддилар олдига вазифалар қўйиши, муаммолар ечими бўйича аниқ таклифлар билдириши керак бўлади. Уларнинг ташаббуси билан сессияларда кўриб чиқилаётган, парламент даражасига олиб чиқилган масалаларнинг ҳеч бири қоғозларда қолиб кетиши керак эмас. Ижроси назоратга олиниб, амалий ишлар натижаси кўриниши зарур. Шундагина ҳаракатлар бесамар кетмайди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ: ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ



**Назокат
МАШАРИПОВА,
ЎзХДП Хоразм вилоят
кенгаши
ахборот хизмати
раҳбари.**

Ҳар бир шаҳар, ҳар бир маҳалла — бу инсоннинг бир умр ҳаёт кечирадиган, киндик қони тўкилган она маскани. Унда унутилмас таассуротлар, болалик онлари, бахтли лаҳзалар мужассам. Аммо баъзида кичкина муаммо ҳам ана шундай серзавқ лаҳзаларга чанг солади. Бу ҳақиқатлар Ҳазорасп туманидаги “Саноат” маҳалласига тааллуқлидир.

Муаммо шундаки, маҳалла ҳудудидаги Офтоб кўчасида пиёдалар ўтиш жойи йўқ эди. Уйлар ва мактаблар орасидан ўтган бу йўлни ҳар куни 252 нафар ўқувчи ва 102 нафар мактабгача таълим муассасаси болалари жонини хатарга қўйиб кесиб ўтишга мажбур бўларди. Албатта, бу уларнинг хавфсизлигига раҳна соларди.

Туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзоси Сухроббек Курёзов масалани атрофлича ўрганди. Депутатнинг шахсан ўзи бу маҳалла кўчаларида бўлиб, одамларнинг дардини эшитди, болаларнинг йўлдаги хавф-хатарларини ўз кўзи билан кўрди. Шу асосда у депутат сўрови йўллаб, бу масала тезда ҳал этилиши учун тегишли ташкилотларни ҳаракатга келтирди.

Натижада "Саноат" маҳалласидаги Офтоб кўчасининг одамлар кўп кесиб ўтадиган нуқтасида пиёдалар учун ўтиш жойи ва светофор ўрнатилди. Энди ўқувчилар, боғча тарбияланувчилари ва, албатта, маҳалла аҳли бу йўлдан хавфсиз ўтиш имконига эга бўлди.

— Бу муаммо неча йиллардан буён ҳаммамизни ўйлантирарди, - дейди Моҳира Ҳолмуратова. — Болаларимизни эрталаб мактабга юборганда, юрагимиз гўё кўлимизда бўларди. Катта йўл, катта тезликда ҳаракатланаётган машиналар, светофор йўқ, кесиб ўтиш қийин. Минг хил хавотирли йўлар хаёлимдан ўтарди. Энди эса кўнглимиз хотиржам. Светофор ўрнатилди. Халққа яқин ва амалий ишлайдиган депутатимиз борлигидан миннатдоримиз.

Худди шунингдек, Тупроққалъа туман Кенгаши депутати Хушнудбек Султоновнинг “Муҳаббат” маҳалласида амалга оширган ташаббуси эътиборга лойик. Депутатимиз билан учрашувда маҳалла аҳолиси бир нечта масалани кўтарди. Жумладан, кўчалардаги асфальтлаш ишлари бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш юзасидан ёрдам сўрашди.

Муаммонинг ечимини орқага сурмасдан, депутат масъул ташкилотлар билан ҳамкорлик қилди. Натижада “Муҳаббат” маҳалласининг асосий кўчаларига қуёш панелли замонавий тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Қуёш энергиясида ишлайдиган чироқлар узок мuddат хизмат қилади, электр тармоғига боғлиқ эмас ва техник хизмат кўрсатишда ҳам анча қулай ҳисобланади.

— Кечаси болаларимни кўчага чиқаришдан, ҳаттоки ўзим ҳам юришдан чўчирдим, — дейди Зумрад Қутлимуратова. — Қоронғу, айникса, ёнгингарчилик пайтларда йўл умуман кўринмасди. Энди эса кўчаларимиз ёруғ, кўнглимиз хотиржам. Бу фақат ёритиш эмас, ўзимизга нисбатан ҳурмат, ғамхўрлик. Биз, оддий халқ ана шундай амалий ишлар орқали вакилларимизнинг ғамхўрлигини ҳис қилаёلمиз.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



**Нурлан КИШАНОВ,
ЎзХДП Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши
бўлим бошлиғи.**

Хусусан, ободонлаштириш ишларидаги оқсоқликларга эътибор қаратилди. Экилган дарахт кўчатларини суғориш ишлари, чиқиндиларни вақтида олиб кетиш масаласида ёрдам сўралди. Шу билан бирга, ички йўллар, инфратузилма объектларини яхшилаш борасида ҳам муаммолар ўртага ташланди.

Ана шундай тадбирлардан бири Беруний туманидаги “Марказий” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл тумани кенгаши томонидан “Депутат маҳаллада” лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди. Унда туман Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Р.Абдуллаев “Тозабоғён” овул фуқаролар йиғинидаги сайловчилар билан учрашди ва уларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганди.

Беруний туман Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси М.Мадияров сайловчилар билан мулоқот ўтказди ҳамда уларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганди.

Ушбу манзилда ҳам аҳолининг кундалик ҳаётини янада энгиллаштиришга қаратилган бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Тиббий хизмат сифатини яхшилаш, маҳаллалардаги тинчлик ва осойишталиқни сақлаш чораларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Сайловчилар билан учрашувларда юртдошларимиз нафақат ҳудудлардаги муаммо ва камчиликлар ҳақида мурожаат қилишмоқда, балки ўз маҳалласини янада обод масканга айлантириш, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишиларга ёрдам қўлини узатиш каби масалаларда ҳам таклифлари билан ўртоқлашмоқда. Партиянинг

Элликқалъа туман кенгаши раиси Х.Сатликов ва Р.Аллабергенов иштирокида “Жасорат” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда ушбу жиҳатлар алоҳида ўрин олди.

Шунингдек, туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси депутат Р.Аллабергенов жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомидаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Депутат ўз сўзида юртимизда олиб борилаётган ислохотларга тўхталиб ўтди. Қорақалпоғистонни янада ободонлаштириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, партия дастурий мақсадлари тилга олинди.

Мулоқот давомида ҳудуд аҳолиси томонидан кўтарилган муаммоларнинг ечими юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

“**ДЕПУТАТ ЎЗ СЎЗИДА ЮРТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРГА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ. ҚОРАҚАЛПОЎИСТОННИ ЯНАДА ОБОДОНЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ ТИЛГА ОЛИНДИ.**”

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ



**Феруза БАБАЕВА,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши бўлим бошлиғи.**

Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси А.Орипов, Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман кенгаши раиси О.Авазов

билан биргаликда тумандаги “Чинор” маҳалласида жойлашган 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ўрганишлар олиб борди.

Асосий эътибор муассасада тарбияланувчиларга яратилган шароитларга қаратилди. Жумладан, дам олиш жойлари, овқатланиш ва машғулот ўтказиш хоналари таҳлилий назорат қилинди. Шу билан бирга, болаларга берилаётган таомларнинг сифати, ошхонадаги санитар меъёрлар тартиб-қоидаларига амал қилиниш ҳолати кўздан кечирилди.

Ўрганишлар сўнгига мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар олинди.

Вилоятнинг бошқа бир ҳудудидан сайланган депутат Ангор тумани ҳокими, туман Кенгаши партиямиз гуруҳи аъзоси Қ.Мардонов аҳоли вакиллари билан учрашув ўтказиш

орқали уларнинг мурожаатларига қулоқ тутди. Мулоқотда туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва профилактика ишларини кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларида аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар малакасини ошириш бўйича аниқ вазифалар таъкидланди.

Қолаверса, ҳудудни ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилиб, санитария ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш ҳамда инфратузилмани такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

10 НАФАР БОЛАЖОННИНГ ШУКРОНА КУНИ



**Дилноза ШАРИПОВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши
ахборот хизмати раҳбари.**

Мамлакатимизда байрам шукӯҳи давом этаётган шу кунларда вилоятимизда меҳр-оқибат, саховат ва инсонпарварлик тамойилларини акс эттирувчи кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Олот туманида ҳам ана шундай шукроналик ва эзгулик руҳи ила ўтказилган хайрли тадбирлардан бири 10 нафар болажоннинг суннат тўйи бўлди.

Халқ депутатлари Олот тумани кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Н.Неъматова бошчилигида туман

ҳокимлиги, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси туман бўлими ҳамда “Мергантекс” ип-йиғирув ва тўқимачилик кластери ҳамкорлигида ташкил этилган маросим қўркам ҳамда файзли тўйхонада бўлиб ўтди. Ҳудуддаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандлари бўлган кичкинтойлар миллий либослар, эсдалик совғалари ҳамда велосипедлар билан сийланди.

Тадбирда ташкилотчилар, меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, фермерлар, тўйболаларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари иштирок этди.

— Ўғлим бугун ўзини энг бахтли бола деб ҳис қилди. Бундай меҳр ва эътибордан биз, ота-оналарнинг ҳам бошимиз осмонга етди, — дейди тўйболалардан бири Худойберди Меҳмоновнинг онаси Мухайё Авезова. — Бунинг учун шу хайрли ишга бош қўшган барча яхши одамларга минг раҳмат. Фарзандимизни юртга фойдаси тегадиган яхши инсон сифатида тарбиялаш учун бор имконимизни ишга соламыз.

Тўй маросимида миллий куй-қўшиқлар янграб, болажонлар ва уларнинг яқинларига қувонч улашилди. Нурунийлар эса юрт тинчлиги, эл фаровонлиги ва болалар камолоти учун дуога қўл очдилар. Бундай тадбирлар биргина оиланинг эмас, балки бутун маҳалла ва жамиятнинг руҳини кўтаради, ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлайди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



**Акбар САНДИЕВ,
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши бўлим
бошлиғи.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси жойлардаги ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Ана шундай мақсадлар доирасида жорий ҳафтада партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши томонидан туман ва шаҳар кенгашларига замонавий компьютерлар ҳамда принтер қурилмалари топширилди.

Ушбу тадбир партиянинг қўйи бўғинларига амалий кўмак бериш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган ускуналар билан таъминлашга қаратилган

саъй-ҳаракатларининг бири ҳисобланади. Эскирган техникаларни янгисига алмаштириш орқали иш унумдорлигини ошириш мақсад қилинган.

— Партия ташкилотларининг техник жиҳатдан қувватли бўлиши уларнинг ташкилотчилик ва ташкилий салоҳиятини оширади, — дейди Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Сарвар Султонов. — Биз жойлардаги бўлимларга доимий методик ёрдам кўрсатишга, уларнинг моддий имкониятларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу партиянинг жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишлари, ижтимоий лойиҳалар самарадорлигини ошириш, ҳужжат айланиши ва ахборот алмашинуви жараёнларини тезлаштириш имконини беради. Яна бир жиҳати, ходимлар ишини энгиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, аъзолар билан самарали ва кўпроқ мулоқот қилишга ҳисса қўшади.

Муҳими, бу амалиёт бир марталик эмас, балки партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятини мунтазам қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишларнинг бир қисми ҳисобланади.

Компьютер жамланмаларини топшириш учун ташкил қилинган тадбирда партиянинг долзарб йўналишлари, электорат билан ишлашдаги устувор вазифалар ҳам бегилаб олинди.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

Умид билан илҳақ қутилган гўдакнинг тўрт мучаси соғлом бўлиб туғилиши ота-она учун, оила учун бахт, жамият учун яна бир ютуқ. Лекин бу — ҳаёт, қисмат ҳамманинг ҳам бошини силайвермайди. Йўқса, жисмоний ёки ақлий нуқсони билан яшаётган фарзанди ёхуд фарзандларига боқиб, кун сайин юраги тутдай тўкилиб бораётган оталар, оналар орамизда бўлмас эди.

Бугунги кунда дунёда ногиронлиги бор болалар 240 миллион нафарни ташкил этади. Ва уларнинг асосий қисми ривожланаётган давлатларда яшайди. Экспертларнинг фикрича, 190 дан ортиқ давлат Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган бўлса-да, Ер юзида

жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг қарийб ярми соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдалана олмайди. Табиийки, улар орасида болалар сони салмоқли. Бундан ташқари, бу болалар таълим олишдан тортиб зўравонликнинг турли шаклларида ҳимояланишгача бўлган барча ҳаётий зарур масалада эътибор ва ҳимояга муҳтож. “Давлатлар инклюзив хизматлари ва сифатли таълимни тақдим этишда ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оилаларидаги ўзига хос эҳтиёжларни ҳисобга олишлари керак”, дейилади ЮНИСЕФнинг сўнгги ҳисоботида.



ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ: УЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАС!

Хавотирлиси, ногиронлик ҳолатлари, хусусан, ногиронлик билан туғилиш глобал миқёсда ўсиб бормоқда. Агар бундан эллик йиллар олдин сайёрамиз аҳолисининг 10 фоизда ногиронлик ҳолатлари аниқланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 15 фоиз, яъни, 1 млрд.дан зиёд кишига тенг.

Эллик фоиз ҳолатларда тўғма ногиронлик сабаблари ҳамон инсоният учун қоронғу. Лекин тиббий ўрганишлар бундай аномалияларнинг ортишини ижтимоий-иқтисодий (аёлларнинг сифатли ва тўйимли овқатланиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти йўқлиги), генетик (яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ), эрта ёки кеч туғуруқ, турли хавфли инфекциялар, алкогольизм ва гиёҳвандлик ҳамда экологик омиллар билан боғлайди. Айниқса, инсон омили туфайли шиддат билан чуқурлашиб бораётган экологик таназзул бумеранг каби инсониятнинг ўзига қимматга тушмоқда. Насл саломатлигини, соғлом миллат генофондини асраб қолиш кўплаб жамиятлар учун ўтқир масалага айланмоқда.

Яна бир жиҳати, ҳеч ким ногиронликдан тўла қафолатланмаган. Сурункали касаллик ёки бахтсиз ҳодиса туфайли кечагина соғлом юрган бола бугун ногиронлик аравачисига михланиб қолиши мумкин.

Демак, жамиятда ногиронлиги бор инсонларнинг, жумладан, бундай оғир кечмиш билан яшаётган болаларнинг манфаатларини таъминлаш ҳамша зарур ва долзарбдир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга дахлдор қарорларни қабул қилишда ушбу қатлам “дарди”ни тингламаслик, уларни ўз ташвишлари билан ёлғиз қолдириш инсонпарварлик, ижтимоий адолат мезонларига тўғри келмайди.

НОГИРОНЛИК ТЎСИҚ БЎЛОЛМАЙДИ

Ногиронлиги бўлса-да, иродаси ва юксак закоси билан ўз номини тарихга муҳрлаган инсонлар бор. Улардан бири, машҳур астрофизик олим Стивен Хокинг ўз муваффақиятларининг, оилавий бахтининг сабабини биринчи даражали тиббий хизматдан фойдаланган имконияти ҳамда зарурат бўлганда ёрдам кўрсатадиган ижтимоий хизматчиларнинг борлиги билан боғлиқ эканини ургулаган. “Бу борада менга омад кулиб боққан... Бутун дунёда одамлар наинки ўз соҳаларида катта натижаларни кўрсатиш, балки кунлик ҳаёт кечиришда ҳам улкан машаққатларга дуч келишадди. Ногиронлик муваффақиятга эришиш йўлида тўсиқ бўлмаслиги керак», деган у ўз хотираларида.

Инсоннинг жисмоний имконияти чеклангани ақлий салоҳиятини юзага чиқариши ва ривожлантиришига, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилишига ғов бўлолмаслиги тўғри. Фақат бунинг учун у яшаётган жамият инклюзивлашган, ногиронлиги бор қатламга нисбатан ижтимоий стигмалар ва дискриминациялардан холи бўлиши керак.

Афсуски, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бутун дунёда ногиронлиги бўлган инсонлар таълимда ва иқтисодий фаоллик борасида бошқаларга қараганда паст кўрсаткичларни кўрсатишади, камбағаллик эса бошқаларга нисбатан айнан ногиронлиги борлар орасида кўпроқ кузатилади. Бу эса тиббий ҳамда ижтимоий хизматлар соҳаларида мазкур шахслар учун имкониятларнинг

чеклангани натижаси экани айтилади.

Жамиятнинг, давлатнинг кучли ижтимоий сиёсат тамойилларига содиқ ва собит бўлиши ногиронлиги бор қатламнинг, инчунун, ушбу тоифа болаларнинг ҳуқуқлари рўёбга чиқишида, уларга муаммо сифатида қарамай, аксинча, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашда, ҳар бирини социал ҳаётга интеграция қилишда яққол кўринади.

БИЗДА-ЧИ?

Мамлакатимизда шу йилнинг 1 август ҳолатига ногиронлиги бўлган шахслар сони 1 млн 55 минг 770 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг 174 минг 287 нафари 18 ёшгача бўлган болалардан иборат.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш кераки, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатида ижтимоий тенгсизликнинг олдини олиш устуворлик касб этмоқда. Бу йўналишдаги ислохотлар манзиллилик ва натижадорлик тамойилларига асосланмоқда. Ҳозирга қадар айти йўналишда қабул қилинган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ижтимоий ҳаётимизда тизимли равишда ўзининг амалий тасдиғини топаётди. Яъни, Ўзбекистон ижтимоий давлатга хос конституциявий мажбуриятларини, ҳар қанча мушкул бўлмасин, муваффақиятли уддалашга интилмоқда.

Буни ногиронлиги бўлган болаларни парваришлайётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқа шаклларда ёрдам бериш, содда қилиб айтганда, алоҳида эҳтиёжга эга шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида такомиллаштирилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий муассасаларга жойлаштириш кўрсаткичи ошиб бораётгани ва бу болалар ана шу муассасаларда зўравонликнинг турли шаклларида дуч келаётгани ёхуд улар тақдир эътиборсиз қолаётгани сир эмас. Болаларнинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини қафолатлаш нақадар долзарб экани сабаби ҳам шунда. Чунки оила бола учун энг ишончли кўрғон. Шу нуқтаи назардан юртимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга жиддий ёндашилаётгани, албатта, таҳсинга лойиқ. Бунда оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш орқали алоҳида парвариш ва ғамхўрликка эҳтиёжманд болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинаётгани пировардида уларнинг меҳр-муҳаббат муҳитида яшашига шароит яратяпти.

КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ – ОҚИЛОНА ВА ҲАҚЧИЛ ЕЧИМ

Гап ногиронлиги бўлган болаларнинг оила қарамоғида қолишини таъминлаш ҳақида кетар экан, шу йилнинг 1 мартдан бошлаб тажриба-синов тарикасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимизда, 1 октябрга қадар эса республикаимизнинг қолган ҳудудларида йўлга қўйилаётган кундузги парвариш хизмати бу борада айти муддао бўлаётганини таъкидламоқ жоиз.

Мазкур янги турдаги ижтимоий хизмат юртимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш, кўмакка муҳтож оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этиш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш мақсадларига қаратилгандир. Президентнинг жорий йил 3 февралда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тақдим этишича, кундузги парвариш хизмати асосан церебрал фалажликнинг оғир даражаси, турли ирсий касалликлар билан туғилган, бир пайтнинг ўзида кўриш, гапириш ва эшитиш имкониятлари чекланган 3-18 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Жойларда тадбиркорларни жалб этган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилинаётган ушбу хизмат ногиронлиги бўлган болаларга тўлиқ ва сифатли ғамхўрликни қафолатлашга ёрдам беради.

Шу ўринда муҳим маълумот. Кундузги парвариш хизматида оид фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига Ижтимоий ҳимоя давлат жағғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир кун учун 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ҳар бир болага базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдориди ва 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар бир болага — 27 фоизи миқдориди субсидия ажратилади. Кундузги парвариш хизмати ташкил этилган жойдан 3 километр радиусдан ортқ масофада яшайдиган болаларнинг келиб-кейтишлари учун хусусий шерик томонидан транспорт хизмати йўлга қўйилса, унга тарбияланувчининг ҳақиқатда қатнаган кунлари сонидан келиб чиққан ҳолда бир ой учун БҲМнинг 75 фоизигача миқдорда компенсация тўланади.

2027 йил 1 июлга қадар кундузги парвариш хизматини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига Марказий банкнинг асосий ставкасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида мебель ва жиҳозлар хариди учун имтиёзли кредитлар ажратилади.

Табиийки, бундай имтиёз ва имкониятлар алоҳида эҳтиёжга эга фарзандларни тарбиялаётган оилаларга суянч бўлишдек хайрли ишининг бошини тутиш ниятида юрган тадбиркорларимизда интилиш ва рағбат ҳиссини оширмоғи тайин.

“ҚАЛБИМГА ҲАМ, ҲАЁТИМГА ҲАМ НУР КИРДИ”

Ғиждувонда яшовчи Нафиса Холмуродованинг бир эмас, икки қизиди ҳам ногиронлик бор. Бир-бирини қувлаётган йиллар бу аёлнинг сабр-тоқатини, матонатини синовдан ўтказиб келяпти. Ахир она учун жондай азиз фарзанди бошқа соғлом тенгдошлари каби униб-ўсмаётганини кўриш бир азоб бўлса, овқатланиш, эҳтиёжларини билдириш сингари элементар ҳаётий кўникмалари ҳам шаклланмаган болани парваришлашнинг ўзи чеки йўқ машаққат.

Нафиса буларнинг ҳаммасига тоқат қилди, лекин жамиятдан деярли ўзилиб қолган эди. На ишлай оларди, на яна бир фарзанди –ўғлига етарлича эътибор қаратарди.

ГАП НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ОИЛА ҚАРАМОҒИДА ҚОЛИШINI ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА КЕТАР ЭКАН, ШУ ЙИЛНИНГ 1 МАРТИДАН БОШЛАБ ТАЖРИБА-СИНОВ ТАРИҚАСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, АНДИЖОН, ҚАШҚАДАРЁ, САМАРҚАНД, СУРХОНДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМДА ПОЙТАХТИМИЗДА, 1 ОКТЯБРГА ҚАДАР ЭСА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҚОЛГАН ХУДУДЛАРИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАЁТГАН КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ ХИЗМАТИ БУ БОРАДА АЙНИ МУДДАО БЎЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚ ЖОИЗ.

- Гоҳида буларнинг баридан “дод” солгим келарди, - дейди Нафиса. - Бу ҳам бир синов экани, нима бўлгандаям, фарзандларим учун она сифатида кучли бўлишим керак, деб ўйлардим... Яқинда туманимизда бир тадбиркор томонидан ногиронлиги бор болалар учун кундузги парвариш хизмати ташкил қилинганини эшитгач, кўнглимда умид пайдо бўлди. Суриштириб, излаб, ана шу масканини топдим. Қизларим ҳозир шу масканга қатнайди, ўзим ҳам бу ерда тарбиячи бўлиб ишга жойлашдим. Оиламиздаги муҳит ҳам бирдан ўзгарди. Қалбимга ҳам, ҳаётимга ҳам нур кирди, ишонинг...

Ғиждувонда тадбиркор Сардор Отамуродов “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази билан ҳамкорликда йўлга қўйган кундузги парвариш хизмати масканида ҳозирда 15 нафар ногиронлиги бўлган болалар парваришланмоқда.

Улардан бири – Ғанишер даун синдроми билан туғилган. Унинг бувиси Меҳри хола Муҳаммедованинг айтишича, Ғанишер доимий уйда бўлишдан зерикиб, баъзан огоҳлантирмай кўчага чиқиб кетадиган ҳолатлар оилани ташвишлантириб келган. Ҳозир эса эрталаб 9 дан кеч соат 6 га қадар кундузги парвариш хизмати марказида кун ўтказаятган Ғанишер дўстлар орттириб, янги кўникмаларни ўрганмоқда. Меҳри хола неварасининг ҳулиқи ва қизиқишларида сезиларли ўзгаришлар борлигидан жуда ҳам мамнун.

Шофиркон туманида тадбиркор Моҳинур Ҳамраеванинг мутахассислиги логопед-дефектолог.

-Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий мослаштириш ва уларнинг оилаларига, айниқса, барча оғирликни елкасига олган оналарга кўмаклашиш мақсадида кундузги парвариш хизмати марказини ташкил этишга киришдим, - дейди Моҳинур. - Бу касбим нуқтаи назаридан ҳам, инсонийлик томонидан ҳам мен учун энг яхши бизнес лойиҳам бўлди, десам адашмайман. Мустақиллик байрами арафасида иш бошлаган марказимизга 15 нафар ўғил-қиз қабул қилинди. Масканимиз ногиронлиги бўлган болаларга нафақат кундалик парвариш, балки таълимий машғулотларни, массажа, логопед хизматларини ҳам тақлиф этади. Буларнинг бари мана шу болажонларимизнинг жамият ҳаётига фаол қўшилишига ёрдам беради. Уларнинг оналари – 15 нафар опа-сингилмиз эндиликда ишлаб, даромад топиш имкониятига эришгани – бу яна бир қувонарли натижадир.

Эзгуликнинг қаноти бор, дейдилар. Бугун юртимиз ҳудудларида бирин-кетин ўз эшикларини очаятган ва тобора сони ошиб бораётган кундузги парвариш хизмати марказлари ногиронлиги бўлган ўнлаб, юзлаб болаларнинг оилавий муҳитдан ажралмаган ҳолда ижтимоий мослашувига, қанчадан-қанча оилаларнинг камбағалликдан чиқишига замин яратмоқда.

Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭРТА ТУРМУШНИНГ “МУШТИ”

**Муқаддас РАХМАТУЛЛАЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
44-оилавий поликлиника
бош шифокори:**

У эндигина коллежнинг биринчи босқичини тавомлаган эди. Коллеждан кейин институтга кириш, ўқишни давом эттириш орзусидаги қиз ота-онасининг гапини икки қилмай, ўзини келинлик либосида топди. Оиладаги “урф-одат”, одамлардаги “Қиз бола ўқиб шахар олиб берармиди”, деган қарашлар унинг ҳаёти ҳақида қарор чиқарди. Уткинчи орзу-ҳавасларга маҳалла-қўйнинг “ҳай-ҳай”лаши ҳам қор қилмади... Орзуларини оппоқ рўмолининг ортига жимгина яширган қанчадан-қанча тақдирларнинг ҳикояси бу.

Ҳаёт ҳеч қачон бир текисда кечмайди, турмушда турли муаммолар учраб туради, баъзан ўнқир-чўнқир йўллар билан кесишамиз. Ана шу чорраҳада болалигини эндигина ортда қолдираётган ёшлар кўп қоқилади. Чунки улар ҳали мустақил ҳаётга тўлиқ тайёр эмас. Бу даврда оила қуриш, рўзгор масъулиятини бўйнига олиш нафақат уларнинг бахтини, балки соғлиги, таълими олиши ва жамиятдаги ўрнини хавф остига қўяди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эрта турмуш қурган ёшлар ўртасида ажрим ҳолатлари ва низолар кўпроқ учрайди. Бу фақатгина статистик рақам эмас, атрофимизда, қариндош-уруғ, ён қўшнимизда учраётган ҳолатлардир. Чунки улар ҳаётнинг муҳим масалаларини ҳал қилишга тайёр бўлмайди.

Қонуний жиҳатдан 18 ёшга тўлмасдан турмуш қуриш мумкин бўлмаса-да, амалиётда бу талаблар доим ҳам бажарилмаяпти.

Кўп ёшлар, айниқса, қизлар ўз ҳаётини таълимга эмас, балки эрта турмушга бағишламоқда. Улар ҳали вояга етмаган, ҳаётнинг энг ёрқин даврида ўз орзуларидан, келажақдаги имкониятлардан маҳрум бўлмоқда. Бу нафақат уларнинг соғлиги ва руҳий ҳолатига салбий таъсир қилмоқда, балки оиланинг, жамиятнинг келажагига ҳам жиддий хавф туғдиrhoқда. Чунки ёшларнинг таълим олиш имкониятлари чекланиб, уларнинг шахсий ва иқтисодий ривожланишига ҳам тўсиқ бўляпти.

Олий Мажлис Сенатининг 2025 йил март ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистонда эрта никоҳ ҳолатлари ошгани маълум қилинганди. Унга кўра, 2024 йилда Ўзбекистонда 271,8 мингта никоҳ қайд этилган. Аммо таҳлилларга кўра, эрта турмуш 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 7 бараварга кўпайган. Ўрганишларда бундай ниқоҳларнинг 70 фоизида ота-она сабабчи эканлиги, 26 фоизда эрта турмуш қуришга сабаб севги-муҳаббат кўрсатилган, 3,4 фоизи эса ҳомила билан боғлиқ экани қайд этилган.

Хўш, бу жараён бугун бизни ташвишга солмаяптими? Мақоламизда эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари ҳақида суҳбатлашамиз.

УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

16 ёшли Малика мактабда энг фаол, билимли ўқувчилардан эди. Ёшлигидан шифокор бўлишни орзу қиларди. Аммо ота-онаси унинг орзуларига қарши қарор чиқарди. Уни “ўзимиз билган, таниган оила”, деб қариндошига 17 ёшида турмушга узатди.

Афсуски, у на иқтисодий, на руҳий, на жисмоний томондан оилавий ҳаётга тайёр эмасди. У тез орада фарзандли бўлди, афсуски, ҳам ёшлиги, ҳам қариндошлар никоҳи ортидан боласи соғлом туғилмади. Кун сайин гулдек қизнинг ранги синиқиб бораверди.

Оилавий тушунмовчиликлар, эр-хотин келишмовчилиги, қариндошлар босими, рўзгордаги етишмовчиликлар бир томон бўлса, яна бир томонда ногиронлиги бор фарзанди эндигина 18 ёшга кирган қизнинг ҳаётга қизиқишини сўндирди, руҳини жароҳатлади. У боласи билан ота уйига келишга мажбур бўлди.

Болалигида ҳар бир қиз ўзининг келажагини гўзал тасаввурлар билан безайди: оқ либос, бахтли оила, меҳрибон турмуш ўртоқ, фарзандлар... Аммо ҳаёт ҳар доим ҳам эртадек кечмайди. Айниқса, қиз болаларнинг эрта турмушга чиқарилиши бу орзуларининг йўлига тўсиқ бўлиши мумкин. Жамиятда ҳали-ҳануз “қиз бола ёшлиқда турмушга чиқса, яхши бўлади” деган қарашлар сақланиб қолган. Бу эса кўплаб ҳаётий муаммоларга олиб келмоқда. Худди Маликанинг ушалмаган орзулари каби...

РУҲИЙ БОСИМНИНГ БОШЛАНИШИ


**Гулнора БОЛТАЕВА,
психолог:**

– Эрта турмуш фақатгина жисмонан эмас, руҳий босқичдаги ўзгаришларни ҳам ҳисобга олинмасдан қабул қилинган қарор. Оила – бу фақат муҳаббат эмас, бу ижтимоий-руҳий масъулият ҳамдир. Янги турмуш ҳаёт, сабр, меҳр, тушунишни талаб қилади. Бу фазилатлар эса ёшлиқда ҳали тўлиқ шаклланмайди. Ёш организм нафақат жисмоний, балки психологик жиҳатдан ҳам ўзгарувчан бўлади. Ўсмирлик даврида инсон ҳали ўзини англаши, ҳис-туйғуларини бошқариши, вазиятларга тўғри баҳо беролмаслик босқичида бўлади.

Нихоятда эрта ёшда оила қуриш, айтийлик, иккисининг ҳам ёши 17-18 бўлиши, йигитнинг оила бошлиғи сифатида шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қиз бола 17, баъзан 16 ёшда ҳам оналик, уй бекалик вазифаларини бажаришга тайёр бўлиши мумкин, аммо 17 ёшдаги йигит ҳали тўлақонли оила бошлиғи вазифасини бажаришга тайёр бўлмайди.

Бу даврда турмуш қуриш – бу инсон психикасига катта босим бўлиши мумкин. Мен амалиётимда жуда кўп ёш жуфтликлар билан ишлаганман, улар орасида аксарияти ҳаётда нима истаётганини ўзи ҳам билмайди. Уларнинг айримлари вақт ўтиб қийинчиликларни енгиб ўтишади, айримлари эса маиший зўравонлик, ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари ва ҳатто ўлдириш таҳдидига учрашади.

Кўп ҳолларда эрта турмуш қурганлар ўз ҳис-туйғуларини назорат қила олмайди, ўзаро мулоқотда муаммолар келиб ққади. Бу эса зўравонлик, тушкунлик ёки ажримга олиб келади. Оила қуришдан аввал, инсон биринчи навбатда ўзини англаши, стрессни енгитиши ва, энг муҳими, мустақил фикр юритишни ўрганиши керак.



тарбиялашга тайёр бўлмайди. Тасаввур қилинг, қизалоқ ҳали мактабни энди тугатган. Табиийки, уй юмушларига, бола тарбиясига, оилавий масъулиятга тайёр эмас. Ҳаттоки, турмуш ўртоғи билан тил топиша олмайди. Оиладаги келишмовчиликлар ортидан руҳий ва ижтимоий зарба олади. Чунки ҳаётий тажрибага эга бўлмаган бу ёшдагилар ўртасида ўзаро ҳурмат, оғир дамларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, турмушда учрайдиган қийинчиликларга қарши биргаликда қурашиш каби ҳусусиятлар тўлиқ шаклланмаган бўлади.

Йигит ҳам масъулиятни тушунмасдан оила бошлиғи бўлади. Бир ишнинг бошини тутмаган, рўзгорига иккита нон кўтариб киролмайдиган одам қандай қилиб оилавий муаммоларни ҳал қила олиши мумкин?

Қизим ўқисин, ўғлим ҳунар ўрганиб, оёққа туриб олсин, деган қарашлар айримларда умуман йўқ. Ота-оналар ўз фарзандининг келажагига нисбатан масъулиятли бўлиши керак.

ТАЪЛИМ ВА КАСБ ОИЛАНИНГ ПОЙДЕВОРИ

**Хилола РАЖАБОВА,
Қарши шаҳридаги 4-сонли
мактаб директори, халқ
депутатлари Қашқадарё
вилоят Кенгаши депутати:**

– Аксарият ҳолатларда эрта турмуш қурганлар ўқишни ташлашади, бу эса уларнинг мустақил яшаш имконини чеклайди. Эрта никоҳга кириш ҳолатлари, айниқса, қизларимиз орасида кўпроқ учраётгани ташвишга солади кишини. Чунки 16-18 ёш уларнинг айнаи ўқийдиган, бирор касбини эгаллайдиган даври саналади.

Ёш қизнинг ёки йигитнинг таълим олмасдан, касб-ҳунар эгалламасдан турмуш қуриши келажақда ижтимоий барқарорликка хавф туғдиради. Ўқувчиларимиз орасида орзулари катта бўлган, аммо ота-

» 2024 йилда Ўзбекистонда 271,8 мингта никоҳ қайд этилган. Аммо таҳлилларга кўра, эрта турмуш 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 7 бараварга кўпайган. Ўрганишларда бундай никоҳларнинг 70 фоизидан ота-она сабабчи эканлиги, 26 фоизда эрта турмуш қуришга сабаб севги-муҳаббат кўрсатилган, 3,4 фоизда эса ҳомила билан боғлиқ экани қайд этилган.

онасининг қистови билан эрта турмуш туфайли ўқишини ташлаб кетганлар ҳам бор. Оқибатда улар моддий жиҳатдан ҳам мустақил бўла олмайди. Бу эса рўзгордаги етишмовчиликлар ортидан тез-тез низолар, тушунмовчиликларни, ҳаттоки ажримга ҳам олиб келади. Ёшлар аввало, ўз касбини, билимини топиши керак, шундагина у оила деган масъулиятли йўлга киришга тайёр бўлади.

Ўқитувчи бўлганим сабаб ҳар куни юзлаб ёшлар билан учрашаман, дарс ўтаман. Уларнинг кўзларидида келажаққа интилиш, жиҳоатни кўриб, ўзимнинг ҳам ҳавасим ортади. Айтингчи, олам-олам истақлар ҳақида жўшиб гапирётган ёшларни бу орзулардан маҳрум қилишга ҳаққимиз борми?

НИКОҲЛАНИШ БЎЙИЧА АМАЛДАГИ ТАРТИБ ҚАНДАЙ?

**Иба НАРИЗОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

– Оила кодексининг 15-моддасига кўра, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланган. 2022 йилгача аёллар учун 17 ёш эди, лекин бу 2022 йилдан бошлаб 18 ёшга

кўтарилди. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахсининг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Қонунчилигимизда эрта никоҳ учун жавобгарлик ҳам бор. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш БҲМнинг 7 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47–3-моддасида белгиланган.

Никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида, шу жумладан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш эса БҲМнинг 15 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Бу Жиноят кодексининг 125-1-моддасида белгиланган.

ЖАМИЯТ НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Ота-оналар фарзандининг орзуларини бузмасдан, аввало, унинг таълим олишини, мустақил ҳаётга тайёр бўлишини таъминлаши

керак. Мактаб ва техникумларда ёшларга оилавий ҳаёт ҳақида маълумот берувчи дарслар, семинарларни кўпайтириш керак. Маҳалла ва жамоат ташкилотлари томонидан тарғибот ишлари кучайтирилиш лозим. Ёшларнинг фикри тингланиши, улар ўз ҳаётига оид муҳим қарорларни онгли равишда қабул қилишга имкон бериш зарур.

Шу йилнинг июль ойида давлатимиз раҳбари жиноятчиликка қарши қурашиш бўйича ййгилишда масъуларга эрта никоҳ учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини тайёрлаш топшириғини берди.

Эрта никоҳ ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш чораларини кескин кучайтириш мақсадида Бош прокуратура ва Адлия вазирлиғи тизимлари интеграция қилинган. Натижада эрта туғуруқларни яшириш ҳолатларига чек қўйилган.

Эрта турмуш — бу ёшларнинг имкониятларини эрта чеклашдир. Ҳар бир инсон бахтли турмуш қуришга ҳақли, лекин бу йўлга шошмасдан, етуклик, масъулият ва билим билан кириш керак. Шошилманг, фарзандингиз, аввало, ўзини топсин, кейин бахтини топади.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ТРИХОЗАНТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ ВА БОҚИЙ УМР ТИМСОЛИ

Сурхондарёда апельсин, мандарин, лимон сингари цитрус меваларни етиштираётганларни истаганча топиш мумкин. Банан ва тоғ пистаси ошuftалари кўпаймоқда. Папая ихлосмандлари ортган. Стивиячилар сафи кенгаймоқда. Шакарқамиш шинавандаларидан тортиб, чой ишқибозларигача учратасиз воҳада. Аммо ноёб ва ноодатий сабзавот – трихозант борлигига кўпчилик шубҳаланиши табиий.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Денов туманининг “Саноатчилик” маҳалласида истиқомат қилувчи Юрий Қосимов хонадонида трихозантдан яхшигина ҳосил олинди.

– Баҳорда бозорга боргандим, – дейди хонадон соҳибаси Светлана Қосимова. – Бодринг уруғи, деб шуни беришди. Апрель ойининг ўрталарида эқдим уларни. Ун тупга яқини униб чиқди. Ўз вақтида ишлов бериб, бир неча марта сўғордик. Ниҳоллар жуда тез ўсди. Лекин негадир бодринг палагига ўхшамасди. Кунда-кунора хабарлашадиган бўлдим. Айни ёз чилласида йигирмага яқин катта-кичик ҳосил битди. Мевалар бир қараганда амири, кўкча қовунларига ўхшаб кетарди. Кимдир папайяга менгзаган бўлса, туркман ошқовоғи, деганлар ҳам бўлди. Ахийри унинг трихозант эканини билдик.



Қизиқиш устунлик қилиб, ҳовлида ўзига хос “тажриба” ўтказдик. Трихозантнинг энг йириги 43 сантиметр бўлса, сирт айланаси ярим метрдан зиёд (62 сантиметр) экан. Оғирлиги эса нақд – 15 кило-ю 400 грамм тош босди.

–Уч-тўрт кун олдин биттаси пишди, – давом этади Светлана опа хуш кайфиятда. – Бир қисмини қўни-қўшнилар билан истеъмол қилдик. Турфа салатлар

тайёрланди. Қолганини ёғда пиширдик. Жуда тотли ва мазали экан.

Хўш, аслида трихозант қандай сабзавот? Унинг қандай фойдали хусусиятлари бор?

– Трихозант тропик иқлимда ўсадиган сабзавот бўлиб, Ҳиндистон, Хитой ва Индонезияда кенг тарқалган, – дейди академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Сурхондарё илмий тажриба станцияси илмий ходими Неъматулло Астанақулов. – Гуллари кечки пайт очилади ва ёқимли ифор таратади. Ҳосили йирик – узунлиги бир метргача бориши мумкин. Аввал яшил рангда, пишиб етилгандан кейин қизғиш-сарик тусга қиради. Ҳосилнинг ўзини ҳам, салатларга қўшилган ҳолда ҳам ейиш мумкин. Бўғда пишириб ёки ёғда қовуриб истеъмол қилиш тавсия этилади.

Шифокор Эътибор Ҳўжаеванинг айтишича, трихозант альбумин ва темир моддаларига бой. Юрак-қон томир, ошқозон, ичак, ўт пуфағи, жигар, умуртқа, бўғин, камқонлик касалликларига фойдали. Саломатлик гарови ҳамда боқий умр тимсоли бўлган ўсимликнинг Сурхон воҳасида ҳосил бергани ўзига хос мўъжиза ва ажойиб янгиликдир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

ТАРБИЯЧИ САЛОМАТЛИГИ – болалар хавфсизлигининг кафолати

**Фарзандингизни эрталаб
боғчага олиб борасиз.
Кўнглингизда унинг кўни
яхши ўтишига ишонч бор.
Чунки уни сиз танлаган
тарбиячи қаршилайди.
Болангиз билан энг кўп вақт
ўтказадиган шу инсон. Бугун
боғча тарбиячилари ёш авлод
тақдири учун масъул.**

Тарбиячи — оддий ишчи эмас. У бола билан шугулланади, ухлатади, овқатлантиради, тинчлантиради. Руҳий босим билан, чарқоқ билан бу ишни узоқ бажара олмайди. Кейин эса асабийлик, бақирёқ-чақирёқ,

ҳаттоки зўравонликка ҳам етиб бориши мумкин. Ҳар бир шундай ҳолат эса бир боланинг руҳиятига шикаст етказади, баъзан саломатлигини издан чиқаради.

Охирги вақтларда ижтимоий тармоқларда тарақалаётган ҳамда кундалик ҳаётимизда юртдошларимиз дуч келаётган воқеалар бир кунда пайдо бўлиб қолаётгани йўқ. Боғча опаларининг давомий асабийлик ва руҳий зўриқишлари натижасида фарзандларимиз ҳақидаги хавотирларимиз ортмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўз таклифимни

билдирмоқчиман.

Биламизки, айни пайтда ҳар бир мактабгача таълим муассасаси ходими йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтказилади. Унинг баъзилари “қоғозда” десак хато бўлмайди. Лекин эндиликда 6 ойда бир бор мажбурий тиббий ва психологик кўрикдан ўтиши жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Асосийси, бу кўрик шунчаки қоғоз учун эмас, реал баҳолаш, маслаҳат, керак бўлса, руҳий реабилитацияни ҳам ўз ичига олиши керак. Натижалар эса махфий қолмасдан тизимли таҳлил қилинадиган ва шунга

қараб чора кўриладиган амалиёт керак.

Акс ҳолда, улар томонидан қилинган битта хато ёки номақбул ҳаракат бир бола ҳаётида тузатиб бўлмас из қолдиради. Бу оғриқли, аммо ҳақиқат.

Тарбиячининг соғлиги, айниқса, руҳий ҳолатига эътибор бермасдан ишлатиш болаларнинг ҳаёти ва келажағини хавф остига қўйиш ҳисобланади. Соғлом, сабрли, руҳий барқарор тарбиячилар тизимини яратиш учун барча зарур чораларни кўриш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган талабидир.

**Гавҳар ҚАРШИЕВА,
Қонунчилик палатаси
хўзуридаги Ёшлар
парламентининг Ёшлар
бандлиги, соғлиқни сақлаш
ва ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси.**



Илм – билмаган нарсаларини билганлардан ўрганмоқдир. Илм – одамнинг зехнини очар, ақлини орттирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур.

Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси мактабдир.

Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонлиқдир, ялқовлиқдир. Ёвга қарши курашмаслик – қўрқоқлиқдир, анқовлиқдир.

Билмаганларини билганлардан сўраб ва ўқуб ўрганмак, яъни илм деган азиз ва фойдали нарсани қўлга олмак учун ҳаракат қилмоқдир.

Одобли бўлурман деган киши ҳар нарсага иззат кўзи ила боқуб, иззат олур. Қайси иш кўзига яхши кўрунса, ул ишни қилмоқга ҳаракат қилур. Ва қай иш кўзига ёмон кўринса, ул ишдан ўзини тортур. Бундай қилган киши, албатта, одобли бўлур.

Кишининг бор эрса ото ва оноси, ғаниматдур анга аларнинг ризоси.

Нодон киши шул кўрға ўхшайдир. Яхши деб ўйлаган нарсаларининг купи ёмон нарсалар бўлур. Илм дўхтирға ўхшайдир. Ўқиған кишиларнинг кўзларини очар. Сўнгра ёмон ишларнинг ёмонлигини билиб, ондан ўзларини тортурлар.

**МУНАВВАР ҚОРИ
АБДУРАШИДХОНОВ**

"SAB-SHIRIN" МЧЖ (СТИР 200834744) "ASIA GRADUS" МЧЖга (СТИР 307489730) қўшиб юборилиши муносабати билан кредиторлар ўз талабларини +99897 410 03 08 рақамига мурожаат қилиш орқали 1 ой муддат ичида билдиришлари мумкин.

ЭЪЛОНЛАР

“UZAUTO MOTORS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА



ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

**“UZAUTO MOTORS” АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ
2025 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРДАГИ
БАЁННОМАСИГА АСОСАН
ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2025 ЙИЛ
29 СЕНТЯБРЬ КУНИ 15:00 ДА
ЎТКАЗИЛАДИ.**

**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ АКЦИЯДОРЛАР
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИНИ
МАСОФАДАН ТУРИБ ИНТЕРНЕТ
ТАРМОҒИДА ОНЛАЙН
РЕЖИМДА ЎТКАЗИШГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН “ЭЛЕКТРОН
ОВОЗ БЕРИШ - ЭВОТЕ” (HTTP://
EVOTE.UZ/) ЭЛЕКТРОН ОВОЗ
БЕРИШ СЕРВИСИ ОРҚАЛИ
ЎТКАЗИЛАДИ.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2025 йил 23 сентябрь ҳолатига тузилади. Ушбу санада тузилган реестрга киритилган акциядорлар 2025 йил 29 сентябрь кунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашадилар.

Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzautomotors.com
Кун тартиби:

**1. Жамият
акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилиши
регламентини тасдиқлаш.**

**2. 2025 йил учун
жамиятнинг молиявий
ҳисоботини аудит қилиш ва
2025 йилнинг 6 ойи учун
МСФО стандартлари бўйича
оралиқ аудитини ўтказиш
юзасидан аудиторлик
ташкilotини танлаш.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган жамиятнинг бош офиси биносида 2025 йил 3 сентябрь кунидан 2025 йил 29 сентябрь кунига қадар, иш кунлари соат 10:00 дан 15:00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорлар <http://evote.uz/> интернет сайтининг электрон овоз бериш сервиси орқали йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатиغا киритилганлиги ҳақида электрон хабар олган вақтдан бошлаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорлар сифатида рўйхатдан ўтган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида электрон овоз бериш сервиси орқали иштирок этиш қоидалари (шартлари) билан <http://evote.uz/> сайтида танишиб чиқишингизни сўраймиз.

**Телефон: 78 140-55-40
(3-1729 ва/ёки 1727#)**

Жамият Кузатув кенгаши.

МУАССИС:



O'zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 937. 1603 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:15

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.